Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 9-fevral, shanba № 17 (3210)

9 феврал — Алишер Навоий таваллуд топган кун



1870 йилда Тошкент Оммавий кутубхонаси сифатида ташкил этилган маърифат маскани Президентимизнинг 2002 йил 20 февралдаги «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига асосан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мақомини олди. 2009 йил 28 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил учун белгиланган инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарорга биноан Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги биноси барпо этилди.

## ИФТИХОР

Кўрган кўзни қувнатадиган ушбу муҳташам кутубхона фонди бугунги кунда 10 миллиондан ортиқ манбага эга бўлиб, улардан 3,5 миллиондан ортиғи миллий матбуот асарлари ҳисобланади. XVI–XIX асрларда яратилган 200 мингдан ортиқ асар нусхаларидан иборат ўта қимматли тўпламлар кутубхонанинг фахридир. Улардан 16 минг нусхаси ноёб ва қадимий асарлар, қўлёзмалар, литографиялар, биринчи миллий журналлар ва газеталарни ташкил этади. Шунингдек, 2,2 млн. вақтли нашрлар, 546 минг диссертация авторефератлари, 540 минг норматив-техник ҳужжатлар, 65 минг нота-мусиқий асарлар мавжуд.

Кутубхона хорижий мамлакатларнинг 11 та Миллий кутубхоналари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамжиҳатлик тўғрисида Меморандум имзолаган. 25 мамлакат билан китоб айирбошлаш бўйича ҳамкорлик қилади. Ҳар йили зиё масканига 500 мингдан зиёд фойдаланувчи ташриф буюради.

## БАРҲАЁТЛИК СИРИ

**_Алишер Навоий ижодининг барҳаётлик сири шундаки, у азалий ва абадий мавзуларни юксак маҳорат билан қаламга олган: муҳаббат, вафо, дўстлик, инсонпарварлик, тўғрилик, мардлик, саховат, қаноат, адолат, олижаноблик, эзгулик, ор-номус, иффат-ҳаё, камтарлик каби инсоний фазилатларни улуғлаб, ёмонлик, зулм-зўрлик, ноҳақлик, кибр, ёлғон сингари иллатларни кескин танқид қилган. Инсоният мавжуд экан, бу ижобий ва салбий хусусиятлар у ёки бу даражада яшайди. Бинобарин, Навоий каби ҳассос шоирларнинг эзгуликни улуғлаш, ёвузликни қоралашга йўналтирилган асарлари шу боис ҳамма даврларда ҳам жамият манфаатларига бирдай хизмат қилаверади._**

### Маърифатнинг буюк ҳомийси

Алишер Навоий хайру саховат тажассуми, меҳру муҳаббат тимсоли, ҳомийлар ҳомийси бўлган. Агар саховатни бир боғ тарзида тасаввур этсак, Навоий бу боғнинг боғбони, бир мулк деб билсак, Навоий унинг соҳиби, бир салтанат десак, Навоий бу салтанатнинг султонидир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу ҳақда «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий (мадад берувчи) маълум эрмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай», деб ёзганди. Навоий, хусусан, маърифат ва маданиятнинг буюк ҳомийси эди. Унинг моддий ва маънавий мададидан баҳраманд бўлган илму фан, адабиёт ва санъат аҳлининг ҳисобига етиб бўлмайди.

Ул зоти шарифнинг шарофатидан XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳиротда адабиёт, санъат, маданият, илм-фан гуллаб-яшнади. Бунда Навоийнинг давлат арбоби, ҳомий ва ташкилотчи, устоз сифатида ҳиссаси катта. Мирхонд, Атоуллоҳ Ҳусайний, Мавлоно Фасиҳиддин, Ҳусайн Воиз Кошифий, Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий, Хондамир каби олимлар, Камолиддин Беҳзод, Қосим Али Чеҳракушо, Шоҳ Музаффар, Абдулло Марворид, Хожа Мирак, Мавлоно Муҳаммад Исфахоний каби мусаввир ва наққошлар, кўплаб созандалар, табиблар ва бошқа соҳа мутахассислари бевосита Навоий ҳомийлигида яшаб ижод этганлар.

Навоий ободликни, айниқса, кўнгил ободлигини севарди. Шу боис ҳазрат ўз асарлари билан кўнгилларни обод этган бўлса, эзгу ишлари билан мамлакатдаги ободончилик ва бунёдкорлик ишларига бош-қош эди. 18 минг шоҳрухий динор миқдоридаги бир кунлик даромадининг ўз эҳтиёжидан ортиқ барча қисмини хайрия ишларига сарф этган. У турли шаҳарларда кўплаб мадрасалар, 17 та масжид, 10 та хонақоҳ, 52 та работ, 16 та кўприк, 9 та ҳаммом, 2 та тўғон ҳамда бошқа қатор бино ва иншоотларни қурдирган. Улар орасида Ҳиротдаги «Ихлосия», «Низомия» мадрасаси, «Халосия» хонақоҳи дунё юзини кўрди. «Шифоия» шифохонаси, «Дор ул-ҳуффоз» биноси, Марвдаги «Хусравия» мадрасаси, Машҳаддаги «Дор ул-ҳуффоз» хайрия биноси ва бошқа нодир меъморчилик ёдгорликлари бор.

Навоий халқнинг сайр қилиши ва дам олиши учун қатор сайргоҳ ва боғлар ҳам барпо этди. Марғани боғи, Тахти Сарипули Сангкашон, Боғчаи Шавқия, Гозургоҳ, Тахти Бобо сўхта, «Ҳавзи моҳиён» иморати ёнидаги боғ шулар жумласидандир. Шунингдек, ариқ ва ҳовузлар қазиш ишларига ҳам аҳамият берган. Унинг 19 та катта ҳовуз ёки сув омборлари бунёд этгани, сувсиз ерларга сув чиқаришга бош-қош бўлгани бунинг ёрқин далилидир. Жумладан, Тус вилоятининг Чашмаи Гулистон боғидан Машҳадгача бўлган 70-80 км. лик канал асосан Навоий маблағига қазилган.

«Халосия» хонақоҳида ҳар йили 2000 та пўстин, чопон, кўйлак-иштон, тақия ва кафш улашилган. Навоий бино этган Хожа Абдуллоҳ Ансорий мозорига қурилган хонақоҳ, шунингдек, «Жамоатхона», «Фаноия», «Зиёратгоҳ», Машҳаддаги Имом Ризо равзасида қурилган «Дор ул-ҳуффоз», Нишопурдаги Шайх Фаридиддин Аттор сармозоридаги хонақоларда фақир, мискин ва мусофирларга таом берилиб, турли хил бошқа ёрдамлар кўрсатилган. Айниқса, ҳайитларда Навоийнинг хайру саховати чегара билмасди. Бу далиллар Алишер Навоийнинг хайру саховат тимсолига, ўз даврининг Ҳотами Тойига айланиб кетганлигидан далолат беради.

### Ҳайратомуз мерос

Алишер Навоий қолдирган мерос ўзининг салмоғи ва ранг-баранглиги билан кишини ҳайратга солади. Чунки у нафақат шоир, айни пайтда, ёзувчи, тарихчи, тилшунос, адабиётшунос, ислом ва тасаввуф олими, таржимон сифатида ҳам самарали ижод қилди ҳамда кўплаб бебаҳо илмий, тарихий, диний ва тасаввуфий асарлар яратди.

Алишер Навоий 1483-1485 йилларда беш достонни ўз ичига олган буюк «Хамса»сини ёзиб тугатади. Бу билан у ўзбек адабиётининг ҳам жаҳон адабиётининг бир қисми ҳисобланишини, ўзининг жаҳон сўз санъатининг забардаст намояндаларидан бири эканини амалда исботлади. 26 минг байт (52 минг мисра)дан иборат бу достон XV асрнинг ўзига хос қомуси эди. Унинг яратилиши ўша давр кишиларини ҳайратга солади. Абдураҳмон Жомий шогирдини энг нодир ва энг юксак сўзлар билан улуғлайди, Ҳусайн Бойқаро эса дўстини ўзининг севимли оқ отига миндириб, унга жиловдорлик қилади.

**_(Давоми 4-саҳифада)._**

Репортаж

## Ўзбекистон – буюк имкониятлар мамлакати



**_«GM-Ўзбекистон» қўшма корхонасига элтувчи кенг ва равон йўлдан кетар экансиз, янги автомобиллар ортилган юк машиналарига бот-бот кўзингиз тушади. Улар аввал Андижонга, сўнг юртимизнинг бошқа ҳудудларига йўл олади._**

### «GM-ЎЗБЕКИСТОН»ДА ИШЛАШНИ ОРЗУ ҚИЛИШАДИ

Асака нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёнинг аҳолиси энг зич ҳудудларидан саналади. Автомобил корхонаси қурилишида ушбу жиҳатлар ҳам инобатга олинган. Корхона бунёд этилгач, минглаб одамлар иш билан таъминланди. Маҳаллийлаштириш дастури асосида ташкил этилган юздан ортиқ бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар шарофати билан бандлик мақомини олганлар сони янада ортди. Хуллас, ушбу корхона асакаликлар ҳаётида улкан бурилиш ясади, уларнинг оиласига барака, фаровонлик олиб кирди.

**_(Давоми 3-саҳифада)._**

Кўргазма

## МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗ НАМОЙИШИ

**_Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг «Ijod» уюшмаси ҳамкорлигида миллий ҳунармандчилик ярмаркаси ўтказилди._**



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий ҳунармандчиликнинг ўзига хос мактаб ва йўналишларини асраб-авайлаш, янада бойитиш, «устоз-шогирд» анъаналарини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳунармандларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун кенг шароит яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 7 октябрда қабул қилинган «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори бу йўналишдаги ишларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ушбу кўргазма ҳам юртимиз ҳунармандларининг ижод намуналарини халқимиз, кенг жамоатчиликка яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилди.

Шаҳрисабзлик чевар Феруза Худойқулова мазкур ярмаркада сўзана, ҳамён, миллий камзул ва либослар сингари элликдан ортиқ маҳсулоти билан иштирок этмоқда.

— Шаҳрисабз каштачилик мактаби безакларнинг яхлитлиги, рангларнинг тиниқ ва ёрқинлиги билан ажралиб туради, — дейди Ф.Худойқулова. — Юртимизда миллий ҳунармандчилик ривожига кўрсатилаётган улкан эътибор бу соҳага ёшларнинг қизиқишини тобора кучайтирмоқда. Ҳозир маҳалламизда эллик нафардан зиёд қизга чеварлик сирларини ўргатмоқдаман.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**
**Сарвар ЎРМОНОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

## Янгиликлар оқимидан

### АНДИЖОН

**_Андижонлик тадбиркор Диёрбек Парпиев бундан уч йил муқаддам балиқчиликка ихтисослашган «Беғубор бўстон» хўжалигини ташкил этган эди._**

#### «БЕҒУБОР БЎСТОН» БАЛИҚЛАРИ

Астойдил қилинган меҳнат самара бериб, иш тобора яхшиланмоқда. Қисқа муддатда йилига 8-10 тоннадан толстолобик, сазан каби балиқлар истеъмолчилар дастурхонига етказиб берилмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

### СИРДАРЁ

**_Бахт шаҳридаги «BAXTTEKS-FARM» масъулияти чекланган жамият Мирзачўл воҳасидаги энг кенжа саноат корхоналаридан. Бу ерда кунига 17 турдаги тиббиёт бинтлари ишлаб чиқарилмоқда. Уларга истеъмол бозорида талаб кундан-кунга ошиб бораяпти. Корхона жамоаси ўз маҳсулотларини «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остида дунё бозорига чиқариш ниятида._**

#### ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЯДИ

— Касб-ҳунар коллежларини битириб келаётган ёшлар малакали механик, электрик, операторларга бириктирилиб, бевосита ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилаяпти, — дейди корхона иш юритувчиси О.Раҳмонбердиев. — Ишчи-хизматчиларга унумли ишлашлари учун етарли шарт-шароит яратилган. Улар иш ҳақи ва мукофот пулларини ўз вақтида олишмоқда. Бундан ташқари, махсус кийим-бош ва икки маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланганлар.

Жорий йилда корхонанинг яна 2 та цехи ишга туширилиши режалаштирилган. Натижада Сирдарё тиббиёт касб-ҳунар коллежининг 140 нафар битирувчиси доимий иш билан таъминланади.

**Анорбой НОРҚУЛОВ**

### ХОРАЗМ

**_Янгиариқ туманидаги «Истиқлол» маҳалласида истиқомат қилувчи Отаназар Вафоев ўз хонадонида мўъжазгина иссиқхона ташкил қилди._**

#### ЎЗИМИЗНИНГ ИССИҚХОНАДАН

Бунда «Микрокредитбанк»дан олинган 11 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредит асқотди. Айни пайтда иссиқхонада етиштирилган бодринглар аҳоли дастурхонига пешма-пеш етказиб берилмоқда. Тез орада кўкатлар ҳам бозор расталаридан жой олади. 35 туп лимон кўчати мева бера бошласа, хонадоннинг даромади янада ортади.

— Касаба уюшмаларининг аҳоли томорқаларини ривожлантиришга қаратилган даъвати оиламизни янада руҳлантирди, — дейди оила бекаси Озода Вафоева.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

### БУХОРО

**_Бухоро шаҳрида йўловчиларга намунали автотранспорт хизмати кўрсатишда «2533-сонли автожамланма» давлат унитар корхонаси жамоасининг улуши катта бўлаётир._**

#### НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

Кейинги олти ой мобайнида шаҳар марказида турли ҳудудларга қатновчи 8 та янги йўналиш ташкил этилиб, замонавий «ISUZU» автобуслари билан таъминланди.

Айни пайтда 90 та автобус йўловчилар узоғини яқин қилмоқда.

Шаҳар транспорт департаменти бошлиғи Шавкат Шодиевнинг таъкидлашича, вилоят марказида «2533-сонли автожамланма»дан ташқари 4 та хусусий автокорхонага қарашли 50 тадан ортиқ автобус 17 йўналишда шаҳарликлар ва меҳмонларга қулайлик туғдирмоқда.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Бугуннинг
# НАФАСИ

Ishonch
2013-yil 9-fevral № 17 (3210)

Жамоа шартномаси: у қандай бажарилмоқда?

## ИШЧИ АРДОҚДА БЎЛСА...

***«Жанубий Сурхон сув омбори фойдаланиш бошқармаси» воҳанинг Қумқўрғон, Жарқўрғон, Қизириқ, Шеробод ва Музрабод туманларининг аҳолиси томорқаларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 154 минг гектар суғориладиган майдонни сув билан таъминлайди. Бошқармага ўз касбининг билимдони Эркин Саидмуродов раҳбарлик қилмоқда.***

— Бошқарма тизимидаги Шеробод каналининг бош иншооти томи, сув чиқариш дарвозаси капитал таъмирланиб, тўғоннинг мўртлашган жойлари соз ҳолатга келтирилди. Натижада, шу йил 1 феврал ҳолатига 270 миллион куб метрдан ортиқ сув тўплашга муваффақ бўлинди. Ҳозир бошоқли дон экилган майдонларга сув бераяпмиз, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Алимардон Номозов. — Асосий ишимиз сув назорати, сув омборини хавфсиз эксплуатация қилишдан иборат. Жамоада 72 нафар киши меҳнат қилади. Сув омборимиз баҳор фаслида ёмғир, ёз фаслида эса тоғлардан эриб тушадиган қор суви ҳисобига тўлади.

Сурхон воҳасининг деҳқонлари-ю боғбонларининг юқори натижаларга эришишида муносиб улуш қўшиб келаётган бошқарма ишчиларига яратилган шароитлар қандай? Улар меҳнати қай даражада муҳофаза қилинмоқда, ижтимоий-иқтисодий ҳимояси-чи? Ушбу саволларга жавобан, касабақўм раиси 2011-2013 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши қатъий назоратга олинганини таъкидлади.

— Аввало, ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги таъминланган. Иш ҳақи вақтида тўланади, ойлик овқат пули, байрамларда мукофотлар мунтазам бериб борилади. Мисол учун, янги йил олдидан ходимларга пул мукофотидан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам берилди. Хавфсиз меҳнат шароити яратиш доимо диққат марказимизда. Ҳар бир ишчи махсус кийим-бош, меҳнатни муҳофаза қилиш ускуналари билан таъминланган. Шахсий автоуловидан фойдаланадиган ходимларимизга ёқилғи мойлаш материаллари ажратганмиз.

Бошқарма ҳисобидан ҳар бир ходим меҳнат муҳофазаси бўйича 40 соатлик ўқув машғулотларида малака ҳосил қилган. Меҳнат муҳофазасига қатъий амал қилган ходимларни маъмурият ва касаба уюшмаси ҳисобидан рағбатлантириш йўлга қўйилганлиги кўплаб ташкилотлар учун ибрат вазифасини ўташи мумкин. Ишчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, маънавият хонасида республикамизда нашр этиладиган газета ва журналлар мавжуд. Турли байрам ва саналар муносабати билан нишонланадиган тадбирлар маънавий-маданий кечаларсиз ўтмайди. Шунингдек, спортнинг турли йўналишларида шуғулланиш имкони яратилган. Бошқарма биринчилиги учун спорт турлари бўйича спартакиадалар уюштирилиб, ғолиблар муносиб рағбатлантирилаяпти.

Маъмурият ва касаба уюшмаси ишчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, касб касалликларига чалинишининг олдини олиш мақсадида навбати билан «Бўстон», «Чинобод», «Турон» каби сиҳатгоҳларга йўлланма бермоқда. Фарзандлар саломатлиги ҳам эътиборда. Ўтган йили ишчиларнинг 25 нафар фарзанди болалар оромгоҳларида таътилни мароқли ўтказишди.

Дарвоқе, бошқарма ишчилари 16,3 гектар жойда боғ барпо этган. Унда 5000 тупдан ортиқ мевали дарахтлар экилган бўлиб, уларга шакл бериб, кўчат экиш ишлари бошлаб юборилган. Боғ орасидаги арпа майсалари бўй кўрсатиб, кўзни қувнатади. Ҳозиргача ишчилар 10 минг туп кўк терак, 200 туп жийда, 5000 туп турли мевали дарахт кўчатлари ўтказишди. Бунда Мансур Худойқулов, Андрей Столярский, Бозор Донаев, Валя Кондратенко, Баҳодир Раҳмонқулов барчага ибрат бўлишди.

Бошқарма тасарруфида сатҳи бир гектар бўлган балиқчилик кўли ҳам бор. Балиқларга Мусурмон Донаев қарайди. Унинг айтишича, бу йил эл дастурхонига 5 тонна балиқ тортиқ қилинади.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Самарқанд томонларда

## ЯНГИ МАЖМУА

***Жомбой туманидаги Деҳқонобод қўрғонида замонавий технология ва шароитларга эга, йилига икки маротаба ипак қурти боқишга мослаштирилган янги мажмуа ишга туширилди.***

Унда 240 метр квадратлик кенг ва ёруғ хоналар, ҳароратни ҳар қандай об-ҳавода ҳам мўътадил сақлаб турадиган қурилмалар мавжуд. Кўп қаватли сўриларда 70 қутигача ипак қурти парваришлаш имкони бор. Мажмуа таркибида иш бошлаган сартарошхона, ошхона, ҳаммом, озиқ-овқат, гўшт маҳсулотлари дўконлари, тикувчилик, этикдўзлик цехлари нафақат жамоа аҳлига, балки ҳудуд аҳолисига ҳам хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

## СОҒЛОМ ТАНДА — СОҒ АҚЛ

***Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали, Вилоят скрининг ҳамда ОИТСга қарши кураш марказлари мутахассис ва шифокорлари томонидан Самарқанд ва Оқдарё туманларида бир қатор тадбирлар уюштирилди.***

Мазкур ҳудудлардаги маҳалла ва ҚВПларда «Соғлом она — соғлом бола» мавзуида давра суҳбатлари ташкил этилиб, туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Соғлом турмуш тарзи, аҳоли репродуктив саломатлигини тиклаш тўғрисида тушунчалар берилди.

## ОФТОБДАН ТАФТ ОЛИБ

***Саломатлик масканларини муқобил электр манбаи билан таъминлашга «British American Tobacco Uzbekistan» қўшма корхонаси жамоаси ҳам муносиб улуш қўшиб келмоқда.***

Корхона саъй-ҳаракати билан 2011 йилдан то ҳозиргача Самарқанд туманидаги «Оҳалик», Ургут туманидаги «Ўрамас», Оқдарё туманидаги «Узун», Тойлоқ туманидаги «Бахшитепа» ва Каттақўрғон туманидаги «Худойқулобод» қишлоқ врачлик пунктларига қуёш батареялари ва шамол генераторлари ўрнатилди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Эъзоз топган инсонлар



***Бу хонадон Жиззах шаҳар марказида яшовчи аҳолининг кўпчилигига таниш ва қадрдон. Гулдаста кўтарган ўғил-қизлар, собиқ синфдошлар, эндигина мактабга йўл олган ёш ўқитувчилар қадами узилмайди. Келиб-кетувчиларни устоз Гулбаҳор Самадова илиқ қарши олади, уларни кўриб хурсандчилигини ичига сиғдиролмайди. Шундай дамларда чорак аср муқаддам Жиззах Давлат педагогика олийгоҳининг бошланғич таълим факултетини имтиёзли диплом билан тамомлаб, отаси, халқ таълими аълочиси Саидмурод Норматов билан Бахмал туманидаги 26-умумтаълим мактабида илк бор педагогик фаолиятини бошлагани ёдига тушди.***

## ЎЗ КАСБИНИНГ МОҲИР ЭГАСИ

Дарвоқе, С.Норматов туфайли Тўпон қишлоғидан бошқа жойни кўрмаган болалар кўз ўнгида янгича дунё гавдаланди. Секин-аста қўшни Ойқор ва Тангатопди қишлоқларидан ҳам ўқувчилар оқиб кела бошлади. Устознинг ҳурмат-эътибори ортиб, маслаҳат сўраб, таклиф ва илтимослар билан келувчилар кўпайди.

Тор ва озчиликни ташкил этувчи синф хоналаридан иборат ўқув даргоҳи устознинг ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги туфайли таъмирланиб, қўшимча синф хоналари қурилди. Улар замонавий техник воситалар билан жиҳозланди. Айни пайтда ушбу илм масканида 435 нафар ўғил-қизга 55 нафар педагог таълим бериб келмоқда. Уларнинг кўпчилиги С. Норматовнинг шогирдлари ҳисобланади.

Устознинг фарзандлари — Мавлон, Баҳром, Қаҳрамон, Ориф ва Гулбаҳор ҳам педагоглик касбини эгаллашган. Достонбек эса Жиззах Давлат педагогика институтининг охирги босқич талабаси.

Олий тоифали педагог Гулбаҳор Самадова ҳозирда Жиззах шаҳридаги 22-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида фаолият юритмоқда. У раҳбарлик қилаётган 1-«Б» синфидаги 30 нафар ўқувчи 2012 — 2013 ўқув йилининг биринчи ярмини намунали хулқ, яхши ва аъло баҳоларга якунлашди.

Миллий урф-одат, маросим ва анъаналар ҳаётимиз мазмуни. Халқимизнинг унутилмас қадриятлари замирида ҳаётнинг теран ҳақиқати мужассам. Улар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган ва кундалик ҳаётимизни жонлантириб туради. «Сумалак сайли», «Онам айтган аллалар», «Кичкинтойлар куйлайди» каби тадбирлар, миллий халқ ўйинлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Масалан, «Оқ теракми, кўк терак?» ўйинида бир болакай билганини бошқалари такрорламаслиги шарт. Бу эса иштирокчиларни билимлар оламига етаклайди. «Чиллак», «Туғди», «Қурма таёқ» каби миллий ўйинлар болаларнинг мерганлик, эпчиллик ва чаққонлик маҳоратини оширади. Муҳими, миллий халқ ўйинлари ўғил-қизлар ўртасида алоҳида аҳамият касб этиб, жамоадошларини жипслаштиради, ҳар бирида пировард натижа учун жавобгарлик ҳиссини уйғотади. Г. Самадова байрам тадбирлари учун ёзилган сценарийларга муаллифлик қилиб, бошловчилик вазифасини ҳам олиб боради. Унинг раҳбарлигидаги «Ғунча» рақс тўгараги аъзолари фаолияти мақтовга лойиқ. Рухшона Ўролова, Моҳинур Мелибоева, Ирода Ҳамзаева каби раққоса қизлар ҳар йили шаҳар ва вилоятда бўлиб ўтадиган тадбирларда фаол иштирок этишади.

2011 — 2012 ўқув йили муаллиманинг «Баҳор» мавзусидаги ижодий, ноанъанавий дарс ишланмаси Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти томонидан маъқулланиб, вилоят педагоглари ўртасида «Ижодий дарс ишланмаси» сифатида оммалаштирилди. Наврўз байрами тантаналарида «Камолот» ЁИҲ ташаббуси билан ўтказилган «Сумалак сайли» тадбирида «Қадриятларимизни қадрлаймиз» номинацияси бўйича ғолиб бўлганлиги ҳам изланувчанлиги туфайли.

Тиниб-тинчимас муаллима ўзи яшаётган Ҳамид Олимжон номли маҳалла қошидаги «Райҳон» фолклор жамоасига етакчилик қилишга ҳам вақт топади. Беш йилки, улар ўз репертуарларини момолар ижро этган қўшиқ, лапар ва рақслар билан бойитиб бормоқда.

Халқ маорифи аълочиси, олий тоифали педагог Гулбаҳор Самадова кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги фаоллиги учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Ўз касбининг моҳир эгаси» Диплому билан тақдирланди.

— Бу мен учун шараф, бундан буён ҳам ушбу эҳтиромга лойиқ бўлишга ҳаракат қиламан, — деди Г. Самадова.

**Абдулла САИДОВ**





**Андижон вилояти Балиқчи тумани Ўрмонбек қишлоғида фаолият олиб бораётган «Xuanshi keramik» корхонасининг чинни буюмлари тобора харидоргир бўлиб бормоқда.**

Замонавий технология билан жиҳозланган корхонага Хитойнинг «Чжун Синлян» ташқи иқтисодий компанияси томонидан 342 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган. Қирқ киши иш билан таъминланган корхонада айни пайтда чойнак, пиёла, гулдон, ликопча каби ўн турда нафис ва сержило чинни буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

**Суратларда: корхона ишчиси Қундузхон Искандарова; корхона маҳсулотлари.**

**Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган суратлар**

Маънавият соатлари

## ЧЕКСИЗ ЭҲТИРОМ

***Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги 289-умумтаълим мактабида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши мактаб маъмурияти билан ҳамкорликда «Икки буюк сиймо» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказди. Буюк мутафаккирлар Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишланган кечада таниқли шоирлар, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти талабалари иштирок этди.***

Тадбирни шоир Бобур Бобомурод очиб, бобокалонларимизнинг ўлмас мероси ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди. Шоиралар Сайёра Тўйчиева ва Озода Бекмуродова ўз ижод намуналаридан ўқиб берди. «Мерос» ансамблининг ёш дуторчи йигитлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар даврага янада файз киритди.

— Мактабимиз 1998 йилда янги бинога кўчиб ўтган. Ҳозирда 1387 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Ҳар йили бу икки сўз санъаткорининг таваллуд кунлари арафасида ўқувчилар иштирокида «Навоийхонлик», «Бобурхонлик» кунларини ўтказамиз, — деди мактаб директори Муқаддас Аҳмедова. — Чунки уларнинг бой меросидан баҳраманд бўлган ҳар бир ёш маънавий озуқа олиб, ватанпарварлик туйғуси билан улғаяди.

Тадбирда ўқувчилар томонидан буюк шоирларнинг ғазал ва рубоийларидан намуналар ўқилиб, саҳна кўринишлари намойиш этилди.

**Салим АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**



Ғамхўрлик

***«Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитасининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси амалдаги жамоа шартномасида аёлларга берилган имтиёз ва кафолатларнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтириб, бу борада бир қанча ишларни амалга оширди.***

## КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

Жумладан, фарзанди 2 ёшдан уч ёшга тўлгунга қадар бола тарбияси билан машғул бўлган аёлларга корхона томонидан нафақа тўланмоқда. Икки ва ундан ортиқ 12 ёшгача бўлган фарзанди бор аёлларга 3 иш кунидан иборат қўшимча таътил берилаётир. Балоғат ёшига етмаган фарзандлари бор 28 нафар ходимнинг ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилган.

Корхонада ишлаб, бугунги кунда нафақада бўлган 191 нафар фахрий аёлга ҳам эҳтиром кўрсатилиб келинмоқда.

Маданий-маърифий ва оммавий тадбирларда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш ва уларни моддий рағбатлантириш иқтидор эгаларини аниқлашга хизмат қилаяпти. Жумладан, корхонада ишловчи хотин-қизлар ўртасида ўтказилган «Балли, қизлар» танловида Мунаввар Ҳаитова, Элнора Мирзаева ҳамда Малика Қурбонова ғолибликка эришди. Малика Қурбонова касаба уюшмаларининг «Касаначи санамлар» кўрик-танловида учинчи ўринни қўлга киритди. Раиса Файзиева «Она ва бола» танловининг республика босқичида фахрли иккинчи поғонани банд этди.

Клара Тошпўлатова, Дилбар Хўжақулова, Нодира Расулова каби ўз касбининг усталари ижтимоий-сиёсий фаоллиги билан ҳам ёшларга ўрнак бўлишмоқда.

Касаначилар цехида 94 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Улар тайёрлаётган ёзги ва қишки махсус кийимлар, қўлқоплар, ишчилар турар жойи учун кўрпа-ёстиқ ва чойшаблар корхона эҳтиёжи учун хизмат қилмоқда.

Обод турмуш йили муносабати билан корхонанинг фаол ишчилари қаторида илғор хотин-қизлар ҳам маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**Санам ШОМИРЗАЕВА,**
**«Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси**

Бошланғич ташкилот ҳаёти

***Факултетимизда 700 нафардан зиёд касаба уюшма аъзоси бўлиб, 31 та гуруҳга бўлинган. Институт касаба уюшма қўмитаси раиси Нормурод Бекмуродовнинг ташкилотчилиги туфайли тизимда юз бераётган ўзгаришлар, таълим ва фан оламидаги имтиёзлардан барча бохабар.***

## УМИД ҚЎРҒОНИ

Иш берувчи билан тузилган жамоа шартномаси шартларида ҳар бир ходим, ишчи ёки талабанинг манфаатлари ҳимояси назарда тутилган. Кам таъминланган оилалар, якка ёлғиз ва қариялар қаторида жамоатчилик ишларида ўзини кўрсатаётган фаоллар ҳам касаба уюшма кўмагини ҳис этиб келаяпти.

Йилдан-йилга зиё аҳли ва талабалар учун катта қулайлик яратилмоқда. Умид қўрғончасида қуриб, фойдаланишга туширилган талабалар турар-жойи, спорт мажмуаси ва майдонлари, ахборот-ресурс маркази ёшлар хизматида.

Факултетимиз ҳовлисида қарийб 3 гектар майдон бўлиб, икки йил аввал бу ерда «Биологлар боғи» барпо этилди. Бунинг учун Самарқанд туманидаги Шредер номидаги илмий-текшириш марказидан сара ниҳоллар келтирилди. Деканимиз Абдували Қўшоқов бу борада анчагина тажрибали инсон. Олма, ўрик, нок сингари дарахтлар ўтган йили нишона ҳосил берди. Ҳадемай боғимиз энг файзли гўшалардан бирига айланишига ишонаман.

**Бахтиёр ЎРИНОВ,**
**Навоий Давлат педагогика институти табиатшунослик факултети бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси**

# Ўзбекистон – буюк имкониятлар мамлакати





## «GM-ЎЗБЕКИСТОН»ДА ИШЛАШНИ ОРЗУ ҚИЛИШАДИ

*(Давоми. Бошланиши 1- саҳифада).*

Корхонага ҳар сафар келганимизда бир янгиликка гувоҳ бўламиз. Бу гал ҳам шундай ҳол юз берди. Ҳудудга кираверишда махсус дўкон ишга туширилиб, янги сўйилган мол гўшти осиб қўйилган экан. Касаба уюшма қўмитаси ҳисобчиси Абдуфаттоҳ ака: «Ходимларга қулай бўлиши учун ушбу дўконни очдик», деди.

Қўшма корхонанинг касаба уюшма қўмитаси маъмурият жойлашган бинонинг биринчи қаватида бўлиб, эшикдан киришда ўнг тарафдаги икки хонадан иборат. Қўмита раиси Мирфозил Олимов бизни самимият билан қаршилади.

— Корхонада олиб борилган модернизация жараёни ҳамда янги автомобилларнинг конвейерга қўйилиши натижасида ходимларимиз сони ортиб бормоқда, — дейди касаба уюшма етакчиси. — Ўтган йил 1 январ ҳолатига ишловчилар 7481 нафарни ташкил этган бўлса, жорий йил бошида 8163 нафарга етди. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилиши учун барча шароит мавжуд. Бу жамоа шартномамизда ўз аксини топган бўлиб, айнан шунга кўра бизда ишлашни кўпчилик ёшлар орзу қилишади.

«GM-Ўзбекистон» ЁАЖ маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ишчиларнинг кўнгилли дам олиши ҳамда даволанишини ҳамкорликда амалга ошириб келмоқда. Ишлаб чиқилган дастурга асосан ўтган йили 3440 нафар ишчи (159 нафари аёллар) тиббий кўрикдан ўтказилди.

Йил давомида 665 нафар ишчи-ходим сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларида соғлиғини тиклади. Уларга берилаётган йўлланмаларнинг 50 фоизлик қисман тўлови жамоа шартномасига асосан 25 фоизга туширилди. Қолган қисми корхона маблағи ҳисобидан қопланади. Бунинг учун ўтган йилда 10 млн. 360 минг сўм сарфланди.

Ёш авлод тарбияси, уларни соғломлаштириш касаба уюшмаси диққат марказида. Ўтган йили ёзги таътилда корхона ишчи-хизматчилари ва Асака шаҳрида яшовчи кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларидан 988 нафари болалар оромгоҳларида бепул дам олдирилди.

Корхонада байрамларни кенг нишонлаш, турли тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор билан ёндашилади. Хусусан, Мустаҳкам оила йилига бағишланган тадбирда 200 нафар ходим иштирок этди. Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан корхонада меҳнат қилаётган 300 нафардан зиёд хотин-қиз учун маданий тадбир уюштирилди. Наврўз айёми ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди. Касаба уюшма қўмитаси томонидан 60 нафар илғор ишчига фахрий ёрлиқ ва пул мукофоти топширилди.

Табиийки, дам олиш вақтини мазмунли ташкил этишнинг иш самарадорлигига ҳам таъсири бор. Жумладан, 15 май — Халқаро оила кунига бағишлаб «Мустаҳкам оила — мустаҳкам давлат» шиори остида танлов ўтказилиб, ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги муносабати билан Асака шаҳридаги «Шарқ» тантаналар саройида илғор ишчи-ходим ва фахрийлар иштирокида тадбир ўтказилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги арафасида 200 нафардан зиёд ишчи-ходим Бобур номидаги вилоят мусиқали драма театри томошасига олиб борилди. Янги йил муносабати билан 6000 нафар ходим фарзандлари учун «Президент арчаси» байрам тадбири ташкил қилинди.

Ўтган йили ижтимоий ҳимоятталаб ишчилардан 605 нафарига касаба уюшма бюджети ҳисобидан 29 млн.197 минг сўм моддий ёрдам ажратилди.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамоа шартномасида муҳим ўрин эгаллайди. Цех ва бўлимлар ўртасида мунтазам равишда футбол, мини футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка, тош кўтариш ва арқон тортиш бўйича мусобақалар ўтказиб келинаётир.

— Ходимларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит беришни йўлга қўйдик, — дейди М.Олимов. — Ўтган йили 105 та ёш оилага намунавий лойиҳа бўйича қурилаётган уй-жойлар ипотека кредити асосида берилди. Уй-жойларнинг бошланғич тўловини шакллантириш учун корхона ҳисобидан 2 млрд. 913 млн. сўмдан зиёд маблағ 15 йил муддатга фоизсиз қарз сифатида ажратилди. Обод турмуш йилида ҳам ходимларимизга замонавий уйлар сотиб олишида кўмаклашишни режалаштирганмиз. Шунингдек, қўмитамиз томонидан «Асака банк» филиали билан ҳамкорликда ишчиларга истеъмол товарлари харид қилиши учун кредит бериш йўлга қўйилди. Ҳозирга қадар 157 нафар ходим 460 млн. 806 минг сўмлик истеъмол кредити олишга эришди.

Асака автомобилсозлик касб-ҳунар коллежи билан олиб борилаётган ижтимоий ҳамкорлик натижасида коллеж битирувчилари тўғридан-тўғри корхонага ишга қабул қилинаётир.

Ҳозирда корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан Обод турмуш йилида ходимлар турмуш фаровонлигини янада юксалтириш бўйича катта кўламдаги ишлар бошлаб юборилди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## БЎЛАЖАК АВТОМОБИЛСОЗЛАР МАСКАНИ

**«GM-Ўзбекистон» автомобилсозлик қўшма корхонаси йил сайин ишлаб чиқариш кўламини кенгайтираётганлиги, янги русумли автомобилларнинг конвейерга қўйилиши билимли ва малакали ёш мутахассисларга бўлган эҳтиёжни оширади.**

Асака туманининг Қайрағоч қишлоғида 2007 йилда фаолият бошлаган Автомобилсозлик касб-ҳунар коллежи шу мақсадда ташкил этилган. Бу ерда ёшларнинг чуқур билимли, етук мутахассис бўлиб камол топиши учун барча шароит муҳайё этилган. «Ўзавтосаноат» компанияси ва «GM-Ўзбекистон» ЁАЖ коллежга ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқда.

Талабаларнинг касбий маҳоратини ошириш, назарий билимларини амалиётга татбиқ этиш мақсадида қатор ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича цехларга дастгоҳлар ўрнатилди. Жумладан, пресслаш цехида «Нексия» автомобили учун 2 хил деталлар тайёрланяпти.

Коллежга корхона томонидан 3 та «Дамас» русумли автомобил берилган бўлиб, талабалар улар ёрдамида ҳайдовчиликни ҳам ўзлаштирмоқда.

Талабалар тажрибали мутахассисларга бириктириб қўйилган. Ўқув юрти битирувчиларини ишга жойлаштириш асосий вазифалардан биридир. 2010 йилда коллежнинг илк «қалдирғоч»ларидан 400 нафар талаба иш билан таъминланди.

Корхонага ишга келаётган ёшлар ҳам бу ерда меҳнат қилиш шарафли ва масъулиятли эканлигини доимо ёдда тутишади. Касаба уюшма қўмитаси томонидан ёшларнинг касб сирларини қунт билан ўрганиши ва дастлабки кўникмалар ҳосил қилиши учун мунтазам ёрдам бериб келинаётир.

Хуллас, ушбу коллежда ўқиш истагини билдираётганлар сони йил сайин кўпаймоқда. Чунки бу ерда таълим олган талабага юртимизнинг йирик автомобилсозлик корхонасида ишлаш учун йўлланма нақд. Қолгани талабанинг ўзига боғлиқ.

**Ўз мухбиримиз**





## БЎЁҚ ЖИЛОСИ

**Автомобилсозлик заводи қурилаётган пайтларни яхши эслайман. Корхонага хорижий давлатлардан олиб келинаётган мураккаб техникаларни кўриб, кўзимизга ишонмасдик. Ўша пайтда машина ишлаб чиқаришимиз, уни жаҳон бозорига экспорт қилишимизни тасаввурига сиғдира олмаганлар ҳам бўлган. Бугун маҳсулотларимиз дунё бозорида ўз ўрнига эга.**

Бўёқлаш цехимизда 595 нафар ходим фаолият кўрсатади. «Сифатли маҳсулотларимиз жаҳон бозорига» шиори остида меҳнат қилаяпмиз. Устозимиз Жаҳонгир Тўхтасиновдан касб сирларини ўргандик. Эришган муваффақиятларимизда у кишининг муносиб улуши бор.

Меҳнат ва дам олиш шароитимиз кўнгилдагидек бўлиб, бунда касаба уюшма ташкилотининг ғамхўрлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

**Бахтиёр ҚОДИРОВ,**
**Бўёқлаш цехи бошлиғи**

**Машина — жону дилим. Шунинг учун Асакада автомобилсозлик заводи ишга тушгани ҳақида эшитганимда роса хурсанд бўлганман.**

## ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

Мактабни тамомлаб, ҳеч иккиланмай Асака автомобилсозлик касб-ҳунар коллежига ҳужжатларимни топширдим. Ўқишни битиргач, ўзим орзу қилган корхонага ишга юборишди.

Уч йилдан буён пайвандлаш цехида меҳнат қиламан. Бу ерда «Spark», «Kobalt» русумли автомобиллар кузовига эшик, қанот ва капотларни пайвандлаш ишлари амалга оширилади.

Корхонамизда ходимларнинг ишлаши ва дам олиши учун етарли шароит муҳайё этилган. Малакали ёш мутахассислар замон талабларига мос иш жойларида мураккаб техникаларни эмин-эркин бошқаришаётир.

**Тоҳиржон МАЪМИРОВ,**
**2-пайвандлаш цехи ишчиси**





## ЗАМОН ТАЛАБИ ДАРАЖАСИДА

**Ўтган йили цехимизда қайта модернизациялаш ишлари амалга оширилди. Барча штамплар учун янги назорат текширув шаблонлари тайёрланиши йўлга қўйилди.**

Бизда асосан «Matiz», «Nexia», «Damas», «Spark» русумли автомобилларга штамплар тайёрланади. Бугунги кунда янгилари учун лойиҳалар чизмасини тайёрлаяпмиз.

Маҳсулотлар сонини кўпайтириш муҳим мақсадлардан биридир.

**Дониёрбек ИСОМИДДИНОВ,**
**Асбобсозлик цехи инженер-конструктори**





## АСОСИЙСИ СИФАТ

**Юртимизда автомобил ишлаб чиқарилиши 20 йил аввал хаёлимизга ҳам келмаган. Бугун ўз қўлимиз билан халқимиз ҳамда жаҳон бозорига сифатли автомобиллар етказиб бераётирмиз.**

Корхонада ишлаётганимга 17 йил бўлди. Дастлаб йиғув цехида чилангар бўлиб меҳнат қилганман. Ишимиз тинмай малака оширишни тақозо этади. Уч марта Жанубий Кореяда иш ўрганиб қайтдим.

Пресслаш цехимизда «Lasetti», «Spark», «Kobalt» автомобиллари учун панеллар ишлаб чиқарилади. Автомобилнинг сифати цехдан бошланади, десам янглишмаган бўламан.

**Шухратбек ИСМОИЛОВ,**
**2-пресслаш цехи сифат муҳандиси**

**Корхонага 1994 йилда ишга келганман. Фаолиятим давомида уста, сифат муҳандиси, катта уста вазифаларида меҳнат қилдим. 2008 йилдан бошлаб смена бошлиғи лавозимида фаолият юритаяпман.**

## МЕҲНАТИМ ҚАДР ТОПДИ

Уч марта Жанубий Кореядаги автомобилсозлик корхоналарида малака оширдим. Илк бор касб сирларини ўргатган устозларим Маврутали Ражабов, Авазбек Жалиловдан миннатдорман. Ўзим ҳам 30 дан зиёд шогирд тарбияладим. Ўйлаб қарасам, меҳнатим зое кетмабди. Шогирдларим ҳам уста мақомига етиб қолишди.

Ўтган йил ҳаётимда муҳим из қолдирди. Ўзбекистон Мустақиллигининг 21 йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонига биноан камтарона меҳнатим юксак баҳоланиб, «Шуҳрат» медалига сазовор бўлдим. Бу мукофот нафақат мени, балки оила аъзоларим ва жамоамизни ҳам қувонтириб, юксак марраларга илҳомлантирди.

**Дилшод МУЛЛАЖОНОВ,**
**корхона смена бошлиғи**

Реклама ва эълонлар

**Вниманию организаций и предприятий!**
**ИК по КС Хокимията Навоийской области.**
**ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ**

На объекты: **1. ЛОТ №16.**

**Лот №16-1. «Строительство фонтана на территории национального сада в историческом мемориальном комплексе «Чашма» Нуратинского района Навоийской области».**

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 590 648 936 сум, с НДС 708 778 723 сум.**

Срок завершения строительства **3 месяцев.**

Финансирование осуществляется **за счет средств местного бюджета.**

**Лот №16-2. «Реконструкция зданий батальона ППС при УВД Навоийской области».**

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 1 535 528 382 сум, с НДС 1 842 634 058 сум.**

Срок завершения строительства **9 месяцев.**

Финансирование осуществляется **за счет средств местного бюджета.**

**2. «Строительство стационарного поста по безопасности дорожного движения на территории ССГ «Нарпай» и «Жалойир» Карманинского района на границе Навоийской и Самаркандской областей».**

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 2 775 981 992 сум, с НДС 3 331 178 390 сум.**

Срок завершения строительства **9 месяцев.**

Финансирование осуществляется **за счет государственного бюджета.**

Заказчик **ИК по КС Хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навоий, ул.Навоий-63.**

*(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)*

**Прокуратура Навоийской области.**
**ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ**

**1. «Административное здание прокуратуры в р/ц Тамды Навоийской области. Капитальный ремонт»**

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 135 095 160 сум, с НДС 162 114 192 сум.**

Срок завершения строительства **30 дней.**

Заказчик **Прокуратура Навоийской области.**

Расположенный **г.Навоий ул.С.Айний 85.**

Финансирование осуществляется **за счет внебюджетных средств генеральной прокуратуры.**

*(конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса)*

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

**При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.**

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел. 22.5.49.96, 22.5.47.98

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия – 2А,
тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98

**Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.**

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

**Услуги лицензированно**

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ маълум қилади!**

«ISHONCH» газетасининг 29.12.2012 йилдаги 155-156-сонида чоп этилган хабарномалар билан аукцион савдоларига қўйилган Тошкент шаҳар прокуратурасига тегишли «Нексия» русумли д/р 01/707ВАА ва «Нексия» русумли д/р 01/717ВАА бўлган автотранспорт воситалари аукцион савдоларидан олинди.

Савдодан олишга асос: **Тошкент шаҳар прокуратурасининг 06.02.2013 йилдаги 27/10-13-сонли хати. Манзил: Тошкент ш, Олмазор т, 1-Қорақамиш кўчаси, 1^А-уй. Тел: 228-79-52.**

Хизматлар лицензияланган

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти томонидан **Файзуллаев Хидаётилла Нематиллаевич** номига 1992 йилда берилган **ФВ № 943387** рақамли диплом ва **Саттарова Гулнора Абдужаббаровна** номига 1992 йилда берилган **ФВ № 943373** рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Тошкент вилоятидаги «Чирчиқ Трансформатор заводи» қўшма корхонаси ОАЖ вақтинча бош директори вазифасини бажарувчи

**Абдунаби АБЗАЛОВ**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши жамоаси «Ўзбеккимёмаш заводи» ОАЖнинг собиқ касаба уюшма қўмитаси раиси

**Анатолий БУГАЁВ**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси жамоаси корхонанинг Ижтимоий ривожлантириш хизмати бошлиғи

**Тоштурди МИРЗАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2013-yil 9-fevral № 17 (3210)




***Республика болалар кутубхонасида буюк шоир Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишлаб «Сўз санъатининг гултожи» мавзуида тадбир ташкил этилди. Унда Ўзбек Миллий академик драма театрининг актёрлари, ЎзФА тил ва адабиёт институти ходимлари, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти талабалари, мусиқа ва санъат йўналишидаги академик лицейлар ўқувчилари иштирок этди.***

# СЎЗ САНЪАТИНИНГ ГУЛТОЖИ

Тадбир В.Успенский номидаги республика ихтисослашган мусиқа академик лицейи ёш доирачиларининг чиқиши билан бошланди. Шундан сўнг таниқли актёрлар Беҳзод Муҳаммадкаримов ва Мадина Мухторова «Навоий» драмасидан саҳна кўринишлари намойиш қилишди.

— Кутубхонамизда қомусий билимлар соҳиби, бобокалонимиз Алишер Навоийнинг 160 дан ортиқ ўлмас асарлари, ҳаёти ва ижоди ҳақидаги кўплаб адабиётлар сақланади. Бундан ташқари, шоир ҳақида газета ва журналларда чоп этилган мақола ва тақризлар ҳам ўрин олган. Болалар ўртасида улуғ бобомиз меросини тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Жумладан, «KITOB.UZ» сайтимиз бу борада самарали восита бўлиб хизмат қилаяпти. Бугунги тадбир ҳам шу йўналишдаги ишларимиздан биридир, — деди биз билан суҳбатда кутубхона директори Дониёр Ўролов.

Тадбирда улуғ бобомиз ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритилиб, шеърларидан намуналар ўқилди.

**С.АБДУРАҲМОНОВ.**
**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**

# БАРҲАЁТЛИК СИРИ

***(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).***

Алишер Навоий сермаҳсул ва забардаст сўз санъаткоригина бўлиб қолмай, билимдон, нозиктаъб ва талабчан адабиётшунос олим ҳам эди. «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида 459 нафар шоир (улардан 39 таси туркий тилда ижод қилган) ҳақида маълумот бериб, уларнинг энг машҳур, энг етук шеърларидан иқтибослар келтиради. Адабиётшуносликка оид яна бир асари «Мезон ул-авзон» («Вазнлар ўлчови»)дир. 1499 йили икки тил муҳокамасига бағишланган «Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси») асарини яратади. Бундан ташқари, араб тилидаги «Сабъат абҳур» («Етти денгиз») луғатини ҳам Навоийга нисбат берадилар — унда турли фанларга оид 8609 та сўзга изоҳ берилган.

Алишер Навоий кенг қамровли тарихчи олим ҳам эди. Унинг «Зубдат ут-таворих» («Тарихий воқеалар қаймоғи») деб аталувчи тарихий асари мавжуд. 1485-1488 йилларда ёзилган «Тарихи анбиё ва ҳукамо» («Пайғамбарлар ва ҳакимлар тарихи») деб номланган асарида, номидан кўриниб турганидек, пайғамбарлар ва донишмандлар тарихи ёритилади. 1488 йилда ёзилган «Тарихи мулки Ажам» («Ажам мамлакатлари тарихи»)да пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар, сосонийлар каби Эрон шоҳлари тарихи ҳақида ҳикоя қилинади.

Навоий насрининг гултожи бўлган «Маҳбуб ул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани») Шарқ панднома адабиётининг дурдоналаридан ҳисобланади. Шу билан бирга ўзи ёзган мактуб намуналарини ҳам тўплаб, «Муншаот» («Мактублар») деган тўплам тузган. Эътиборлиси шундаки, Навоий «Вақфия»дан ташқари барча насрий асарларини ҳаётининг сўнгги ўн йили давомида ёзган.

Худо ҳар томондан ёрлақаган бу улуғ зотнинг истеъдод ва лаёқати чегара билмас эди: у деярли барча соҳалардан у ёки бу даражада хабардор бўлиб, мутахассисларга маслаҳатлар бериш, йўл-йўриқлар кўрсатиш билан бирга, ўзи ҳам кўп соҳаларда кучини синаб кўрган эди. Жумладан, унинг куйлар басталагани, қўшиқ айтгани, сурат чизгани маълум. У чизган «Занжирбанд шер» номли сурат бизгача етиб келган.

Навоийнинг ўзи «Лисон ут-тайр» достонида таъкидлашича, унинг шеърий мероси 100 минг байтдан иборат. Бунинг ёнига яна насрий, илмий ва тарихий асарларини ҳам қўшса, шоир мероси нечоғлик салмоқли экани ойдинлашади. Асарлари билан у ўзбек адабиёти, сўз санъатини юксакликка кўтарди.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

**Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетида «Алишер Навоий ижоди — миллий-маънавий хазинамиз» мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмаси раиси Кенгасбой Каримов «Навоий ва қорақалпоқ адабиёти» мавзусидаги маърузасида ўлкада улуғ шоир ижодини ўрганиш, асарларини таржима қилиш, олиб борилаётган тадқиқотларни чуқурлаштириш, шоир асарларини кенг тарғиб қилиш миллат маънавиятини юксалтирувчи омил эканлигига алоҳида эътибор қаратди.**

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА НАВОИЙХОНЛИК

Қорақалпоқ адабиётшунослиги кафедраси профессори Қурбанбай Жаримбетов Навоий умумтуркий адабиётда ўзига хос мактаб яратгани, тарихшунос олим Жолмирза Ҳакимниязов давлат арбоби сифатида Мавороуннаҳр тарихида тутган ўрни, адолатпарварлик сиёсати ҳақида сўзлади.

Университет талабалари томонидан тайёрланган маънавий-маърифий дастур барчада катта таассурот қолдирди. Айниқса, шоир ғазаллари асосида яратилган қўшиқлар ижроси, мумтоз куйлар муқомига мос дилрабо рақслар, «Ҳайрат ул-аброр» достонидан олинган «Шоҳ Ғозий» ҳикояти асосида саҳналаштирилган томоша иштирокчилар қалбига ҳазрат Навоий ва унинг асарлари руҳини олиб кирди.

Университетда феврал ойининг биринчи ўн кунлиги «Навоий кунлари» деб эълон қилинган. Демак, тадбирлар давом этади.

**Хурсандбек ТЎЛИБОЕВ,**
**Бердақ номидаги ҚҚДУ ўқитувчиси**

# АДОЛАТ ВА ҲАҚИҚАТ

***Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида «Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум этган ўлмас сўз санъаткоридир. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз», дея таъкидлаган эди.***

Дарҳақиқат, Алишер Навоий наздида инсон бошқа махлуқотлардан ўз ахлоқ-одоби билан фарқланади. Одоб эса биринчи галда атрофдаги кишилар — ота-она, хешу ақрабо, таниш-нотаниш одамлар, бир сўз билан айтганда, ҳамжамият инсонлар ила муносабатда намоён бўлади. Буюк алломанинг идеали бўлмиш комил инсон ўз манфаатидан кўра халқникини устун қўяди.

Бу ғоя айниқса, «Фарҳод ва Ширин» достонида, асарнинг бош қаҳрамони Фарҳод образи орқали ўзига хос тарзда бадиий талқин қилинган. Буни тушуниш учун асардаги ҳийла-найранг йўли билан Хисравга асир тушиб қолган, Салосил қўрғонида занжирбанд қилинган Фарҳод кечинма ва ҳаракатларини эслаш кифоя: замонасидаги барча илму ҳунардан баҳраманд бўлган Фарҳод кишан ва қулфларни очиш сирини ҳам устози Суқротдан ўрганган. У илм воситасида хоҳлаган пайтда қалъани тарк этиши, Хисрав ва унинг сипоҳларидан қасос олиши мумкин. Бироқ Фарҳод бу йўлни танламайди: ўзини қўриқлаётган беш юз нафар сипоҳнинг ноҳақ жазоланишини истамайди; қўриқчилар уйқулаган вақтда қалъадан чиқиб, тоғу даштни айланади, эрта саҳар ўз ўрнига қайтади. Кузатаётганимиздек, қаҳрамонимиз шу қадар инсонпарварки, ўз ҳаёти қил устида турган бўлишига қарамай, ҳатто душман лашкарларига ҳам ўлимни раво кўрмайди.

Турли хил баҳона билан бошланадиган низою жанжалларнинг жирканч моҳияти, айниқса, ҳарбий юришлар туфайли фуқаролар бошига тушадиган, ҳар қандай сийму зар билан ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотиш ва кулфату аламларнинг бор даҳшати ҳазрат Навоий асарларида алоҳида эътибор билан ёритилади.

Буюк шоир қаламига мансуб «Ҳайрат ул-аброр» достони таркибидаги Шоҳ Ғозийга бағишланган 27-бобга бир қур назар ташлайлик. Мамлакат тасарруф доирасини кенгайтириш учун олиб борилган жанглардан бирида яккаю ёлғиз ўғлидан айрилган мотамсаро она шоҳ Ғозий саройида ҳозир бўлиб, ўғли учун хун талаб қилади. Одил ҳукмдор сифатида довруқ таратган ҳукмдор масалани ҳал этмоқ ниятида ҳузурига қозини чорлайди ва мазкур иш юзасидан адолатли ҳукм қилишни буюради. Қози: «Адолат қонунига мувофиқ айбдор, яъни шоҳ ўлганнинг хунини тўласин ёки ўзи қатл қилинсин», деган қарорга келади. Буни эшитган шоҳ Ғозий «Шариат шундай ҳукм чиқараркан, бу ҳукм учун жоним фидо бўлсин», дейди. Муштипар она олдида тиз чўкиб, истаса ўз бошини, истаса ўғли хуни — юз ҳамён олтин тангани олиши мумкинлигини айтади. Ғозий саройидаги бу адолатдан ғоят мутаассир бўлган она шоҳни кечиради — унинг бошидан ҳам, ўғли хунидан ҳам кечади, бундай адолат учун ўзи ҳам қурбон бўлишга тайёрлигини билдиради.

Дастлаб жами 41 байтдан иборат ушбу мўъжаз маснавий-ҳикоят Ғозийнинг адолатпарварлигию мардлиги мадҳига бағишлангандек таассурот қолдиради. Аслида, ҳикоятни юрагидан ўтказиб, воқеа замиридаги фожиани чуқур ҳис этган ҳолда мутолаа қилган навоийхонда асарнинг иккинчи бир жиҳати юз очади. Бу — асарда Навоий даври учун типик ҳодиса саналган тож-тахт учун олиб бориладиган урушларни, фотиҳларнинг мамлакат сарҳадларини кенгайтириш мақсадидаги хунхўрликларини рад қилувчи ғоянинг мавжудлигидир.

Синчков китобхон байт ботинидаги киноя, кесатиқни англаши унчалик қийин кечмайди. Бу киноя ўқувчи «Шоҳ Ғозийнинг сиёсий мавқеъини мустаҳкамлаш учун неча юзлаб, балки минглаб йигитлар қурбон бўлди. Уларнинг хунини ким тўлайди? Ғозий ҳаммасига адл кўрсата оладими? Майли, сийму зари беҳисобдир, лекин кимдир хун (қон ўрнига қон) сўраса нима қила олади? Унинг боши битта-ку!» каби саволу хитоблар қуршовида қолади, ушбу сўроқларга ўзича жавоб излайди.

«Шоҳ Ғозий» ҳикоятининг қайта мутолаасидан кейин негадир яқин ўтмишда рўй берган дунё воқеалари эсимизга тушади. Дунёда содир бўлаётган урушлардаги қурбонлар ортидан неча она қон йиғлади, қанча бола етим қолди? Мана шу қирғинбарот урушларни бошлаган жаҳонгирлик даъво қилувчи каслар Алишер Навоийни билишадими? Шубҳа-гумонлар юракни ўртайди.

Хуллас, устоз шоир асарларини ўқирканмиз, уларнинг аксарияти келажакка (биз учун бугунга) қаратилгани, барча замоналарнинг мураккаб, жаҳоншумул миқёсда долзарб масалаларига жавобдай янграшини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлаймиз, аллома ижодкорнинг буюк даҳоси олдида таъзим бажо келтирамиз.

**Файзулла САЛАЕВ,**
**филология фанлари номзоди**

Реклама ва эълонлар

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!**

## «АМУ-БУХОРО» ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

Қуйидаги объектлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

| т/р | Объектнинг номланиши | Узунлиги (км) | Буюртмачининг бошланғич нархи (минг сўм) ҚҚСсиз | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| Лот – 4 | | | | |
| Лот 4-1. | «Бухоро вилояти, Қоровулбозор туманидаги хўжаликлараро «ГД» зовури тизимини таъмирлаш ва тиклаш» | 54,762 | 240798,23 | 8 ой |
| Лот 4-2. | «Бухоро вилояти, Когон туманидаги хўжаликлараро «Кўрак» зовури тизимини таъмирлаш ва тиклаш» | 50,134 | 232080,91 | 7 ой |

**Таъмирлаш ва тиклаш ишлари** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Таъмирлаш ва тиклаш ишлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 35% ни ташкил қилади.

**Танлов савдоси ташкилотчиси** — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** «Аму-Бухоро» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология мелиоратив экспедицияси.

**Манзили:** Бухоро шаҳри, Ширбуддин кўчаси, 4-муюлиш, 24-уй. Тел: (8-365) 225-37-22, факс: 225-14-85.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: (8-365) 223-96-29, факс: 223-97-51.

*Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — Юз минг сўм.*

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин Бухоро вилояти ҳокимлигининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

**Хизматлар лицензияланган**

**Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!**

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШДА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

**2013 йилда Қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудрат**
ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

| № п/п | Объект номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм) | Бошланғич нархи ҚҚС сиз (сўм) | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Лот 10-1 Мирзаобод тумани «Ҳайдар» массивидаги 100 уй учун сув тармоғини ўтказиш | 171 047 594 сўм | 142 539 662 сўм | 120 кун |
| | Лот 10-2 Сайхунобод тумани Ўзбекистон ҚФЙ «Ёшлик» массивидаги 20 уй жойлар учун сув тармоғини ўтказиш | 217 343 247 сўм | 181 119 373 сўм | 120 кун |

Қурилиш ишларини молиялаштириш: **Республика бюджети ҳисобидан.**

Буюртмачининг манзили: **Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси 30, тел: 8 (367) 227-63-86.**

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кунга қисқартирилган ҳолда ўтказилади. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 декабр 02/1-783-сонли назорат режасига мувофиқ).

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ ТИЖОРАТ «ХАЛҚ БАНКИ» ФИЛИАЛИ

2013 йилдаги Қуйидаги объектнинг қурилиши бўйича
ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

| № п/п | Объект номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм) | Бошланғич нархи ҚҚС сиз (сўм) | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Сардоба тумани Ш. Рашидов Халқ банки филиали биносининг қурилиши | 1811 123 288 сўм | 675 936 073 сўм | 180 кун |

Қурилиш ишларини молиялаштириш: **Ўз маблағлари ҳисобидан.**

Буюртмачининг манзили: — **Сирдарё вилояти, Сардоба тумани, Пахтаобод қўрғони, О. Тиллаев кўчаси 15-уй. Тел: 8 (3672) 221-04-73.**

**Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин ўтказилади.**

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағлари бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибаси мавжудлиги бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 феврал ПП-1475-сонли қарорига асосан, давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500,0 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва қайта қуриш объектларига ўтказилган танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, қиймати 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилаётганда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилади.

**Танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.**

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда, мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ, қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Гулистон шаҳри, М. Ахтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин:**

**тел/факс: 8 (367) 227-64-42.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

**Хизматлар лицензияланган**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Abdullayev
Navbatchi:
A.Arslonov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 21. 00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 211

21503 nusxada bosildi

1 2 3 4 5